

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ФАКУЛТЕТИ
СПОРТ ЎЙИНЛАРИ КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: ВОЛЕЙБОЛНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ
ТАРИХИ



Бажарди:

13/101 гуруҳ Расулов Ойбек Баходир ўғли

Текширди:

Қдинова Муҳаббат

Тошкент-2017

Мавзу: Волейболни вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

Режа:

1. Волейбол ўйинининг ривожланиш тарихи

2. Ўзбекистонда волейбол ўйинининг вужудга келиши ва халқаро волейбол федератсиялари билан алоқаси

Волейбол 1895-йилда Америка Қўшма Штатларининг Массачусетс штатидаги Холиоок шаҳрида ёш христианлар иттифоқини жисмоний тарбия бўйича раҳбари, пастор Уилям Ж.Морган томонидан яратилган. У волейбол ўйинини оддий, кўп маблағ сарфламасдан ташкил этишни кўзда тутган.

1896-йилда Спрингфилд шаҳридаги коллеж директори, доктор Алфред Халстед бу ўйинга «волейбол» деб ном берди. «Волейбол» инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида «парвоз қилувчи тўп» деган маънони билдиради.

1896-йилда тадбиқ этилган баъзи бир ўйин қоидалари қуйидагича эди:

1. Майдон чегаралари 7,6x15,2 м
2. Тўрнинг ўлчамлари 0,65 x 8,2 м, баландлиги 195 см
3. Тўпнинг вазни 252-336 гр, айланаси 63,5-68,0 см
4. Ўйинчиларнинг сони чегараланмаган ва ҳоказо.

1895–1920-йиллар волейбол ўйини ривожланишининг биринчи босқичи бўлиб ҳисобланади. 1920-йилдан бошлаб майдон ўлчамлари 9x18м қилиб белгиланди.

Ўйиннинг бошқа давлатларда вужудга келиши ва ривожланиши қуйидагича:

1900-й. – Канада, 1906-й. – Куба, 1909-й. – Пуэрто-Рико, 1910-й. – Перу, 1917-й. – Бразилия, Уругвай, Мексика, Осиёда 1908–1913-йиллар – Япония, Хитой, Филиппинда, 1914-й. – Англия, 1917-й. – Франция.

Волейбол 1920–1921-йилларда Ўрта Волга (Қозон, Нижний Новгород) ҳудудларида тарқала бошлади. 1922-йилдан бошлаб волейбол Всеобуч (Умумий ҳарбий тайёргарлик) таркибига киритилди.

Москвада волейбол билан мунтазам шуғулланишга санъат ва театр

вакиллари киришдилар. 1923-йилда ташкил этилган «Динамо» жамияти спортнинг бошқа турлари билан бир қаторда волейболни ҳам тарғиб қила бошлади.

Худди шу йилларда волейбол Узоқ Шарқда – Хабаровск ва Владивостокда пайдо бўлди. 1925-йилдан эса Украинада ҳам ривожлана бошлади.

Жаҳон волейбол ташкилотлари ўз олдиларига мамлакатда волейболни оммалаштириш, тарбиявий ишларни кучайтириш, техника ва тактикани мукаммаллаштириш, ўйинчиларни ҳар томонлама жисмоний тайёргарлигини юксалтириш каби қатор вазифаларни қўйдилар.

Волейболни кенг оммалаша бориши мусобақаларнинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш заруриятини ўртага ташлади. Жумладан, 1925-йилнинг январида Москва жисмоний тарбия кенгаши волейбол бўйича мусобақаларнинг биринчи расмий қоидаларини тузиб, тасдиқлади. Тўрнинг баландлиги – аёллар учун 2 м 20 см ва эркеклар учун – 2 м 40 см қилиб белгиланди. Аёллар жамоаларида ўйин 15x7,5 ўлчамли майдончада ўтказиладиган бўлди.

1926-йилда Москвада янги қоидалар асосида биринчи мусобақалар ўтказилди. 1927-йилдан волейбол бўйича Москва биринчилиги мунтазам равишда ўтказила бошлади.

Волейбол бўйича илк адабиёт 1926-йилда пайдо бўлди ва у «Волейбол ва муштар жанги» деб ном олган эди. Унинг муаллифлари С.В.Сисоев ва А.А.Марку эди.

Шу йилларда волейбол фақатгина Москвада эмас, балки Украинада, шимолий Кавказда, Кавказортида, Узоқ Шарқ ва Ўрта Волга ўлкаларида ҳам кенг тарқалди.

1928-йилда Москвада доимий ҳакамлар уюшмаси ташкил этилди.

Волейбол тараққиётида мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси ҳам (1929) катта аҳамиятга эга эди. Бу спартакиада қатнашчиларидан кўпчилиги кейинчалик волейбол усталари бўлиб етишдилар.

Шаҳарлараро мусобақалар сони анчагина ортди, бу эса турли техник усулларнинг пайдо бўлишига, волейбол тактикасининг ривожланишига, ўйинчилар жисмоний тайёргарлигининг ўсишига олиб келди. Шу даврда ўйинчилар майдонга тўпни куч билан киритиш, алдов зарбалари усулларини кенг қўллай бошладилар, узатиш техникасига эътибор бердилар, ҳимоянинг аҳамияти ортиб ўйин тезкор, шиддатли бўла бошлади, натижада ўйинчиларнинг ҳаракатчанлигига талаб ошди.

Волейболнинг оммавий ривожланиши ва кенг тарғиб қилинишида кўпгина маданият ва истироҳат боғларининг майдончаларида ўтказилган мусобақалар катта аҳамиятга эга эди.

30-йилларда Олмонияда (Германия) «Волейбол – рус халқ ўйини» деб номланган волейбол бўйича мусобақа қоидалари китобча ҳолида чоп этилди.

Турли шаҳарларнинг энг кучли жамоалари орасида биринчиликлар ўтказилиб турилди. 1931-йилда Харьковда Москва, Днепропетровск ва майдон эгаларининг эркак ва аёллар жамоалари учрашдилар. Москвалик аёллар ғолиб чиқдилар, ҳар учала эркаклар жамоаси биттадан мағлубият ва ғалабага эга бўлдилар. Бу учрашувлар «тез суръатли» ўйиннинг аҳамияти анча ортганлигини таъкидлади.

1932-йилдан волейбол барча нуфузли спорт мусобақаларининг дастурига тенг ҳуқуқли спорт тури сифатида киритилди. Шу сабабдан волейбол бўйича мамлакат мусобақаларининг ҳар йили мунтазам ўтказиб турилиши ҳақидаги масала кўтарилди.

Волейбол бўйича «Иттифок» биринчилиги илк бора Россиянинг Днепропетровск шаҳрида 1933-йилнинг 4–6-апрелида бўлиб ўтди. Мусобақаларда аёллар жамоаси (Москва, Днепропетровск, Харьков, Баку, Минск) ва 5 та эркаклар жамоаси (Москва, Днепропетровск, Харьков, Тифлис, Минск) иштирок этди. Айланма тартибда ўтказилган ўйинлар кўп сонли томошабинларни ўзига жалб қилди. Қизиқарлиси, биринчилик тугагач, москвалик аралаш жамоаларнинг кўргазмали ўйинлари ўтказилди. Ҳар бир жамоа таркибида 3 аёл ва 3 эркак бор эди.

Волейбол бўйича «Иттифок» иккинчи биринчилиги 1934-йилда Москвада ўтказилди. Унда таркибида 9 кишилик аёллар ва эркеклар жамоалари қатнашдилар. Мамлакат майдонида энди Ленинград, Свердловск, Горкий, Ростов, Тошкент жамоалари пайдо бўлди. Шу йилнинг охиридаёқ Москва терма жамоаси Узоқ Шарқ сафарига чиқиб, Владивосток, Чита, Улан-Уде, Новосибирск ва Тюменда кўргазмали учрашувлар ўтказдилар. Бу эса, шубҳасиз волейболнинг Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалишига шароит яратди.

Ёшлар орасида волейболни оммалашишига қаттиқ туртки бўлган ходиса 1935-йилнинг августида ўтказилган мактаб ўқувчиларининг «Бутуниттифок» биринчилиги ҳисобланади. 12 шаҳар ва вилоят жамоалари иштирок этган бу мусобақаларнинг биринчи босқичи чиқиб кетиш тартибида, яқунловчи (финал) ўйинлар эса айланма тартибда ўтказилди. Ҳар бир шаҳар жамоаси учун уч жамоа: катта ва кичик ёшдаги йигитлар ҳамда катта ёшдаги қизлар қатнашди.

1935-йил ўйинчиларнинг халқаро учрашувларда биринчи бор куч синашиб кўрганлиги тарихда ўчмас из қолдирди. Тошкентда ва Москвада волейболчиларимизнинг Афғонистон жамоаси билан иккита ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ўйин афғон қоидалари асосида ўтказилганлигига қарамай (жамоада 9 ўйинчи бор эди, ўйин 22 очкогача давом этди, ўйинчилар майдонда жой алмашмадилар) мамлакат волейболчилари осонгина ғолибликка эришдилар.

1936-йилнинг энг оммавий ўйинларидан бири ВССПС Кубоги учун 100 дан ортиқ жамоа билан ўтган мусобақалар бўлди. Кубокни Москванинг аёллар ва эркеклар жамоаси «Медик» қўлга киритди.

Волейболнинг техника ва тактикасигина эмас, мусобақа қоидалари ҳам ўзгаришда давом этди, яъни 1935-йилда эркеклар учун тўрнинг баландлиги 2 м 45 см га кўтарилди, 1937-йилдан эса аёллар учун тўрнинг баландлиги 2 м 25 см бўлди. Майдончада ҳужум чизиғи белгиланди ва олд ҳамда орқа чизиқ ўйинчилари деган тушунча пайдо бўлди, бу эса алоҳида

ўйин ихлосмандларининг ҳаракатларини чегаралаб қўйди. Шу йилдаёқ ўйинга тўп киритиш жойи майдончанинг орқа ва ўнг қисмидан 3 м қилиб белгиланди. Сабабидан қатъи назар, ўйинчиларни алмаштиришга рухсат берилди (илгари алмаштиришга фақат бахтсиз ҳодисалардан кейин йўл бериларди).

1938-йилда «Иттифок» биринчиликларини ўтказиш қоидаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу йилнинг биринчиликлари ёзги майдонларда спорт жамиятлари жамоалари орасида ўтказилди. Дастлабки ўйинлар «Иттифокнинг» турли шаҳарларида ўтди, якуний ўйин эса Москвада бўлди. Биринчилик кўпгина янги жамоаларни ўзига жалб этди ва ҳамма ерда волейбол тараққиётига жонланиш олиб кирди.

Мураббийлар ва ўйинчиларнинг техника ва тактика соҳасидаги изланишлари давом этаверди. Хужумнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги билан боғлиқ равишда жамоаларни 6 нафар хужумчидан иборат қилиб шакллантиришга уринишлар бўлди. Ўйинга ён томон билан кучли тўп киритиш катта аҳамият касб этди. Якка тўсиқ қўйиш сифатини оширган ҳолда айрим жамоалар гуруҳ бўлиб тўсиқ қўйишга ўтдилар.

Иккинчи жаҳон уруши кўпгина мамлакатларда волейболнинг тараққиётини тўхтатиб қўйди. Кўпгина спортчилар фронтга кетдилар. Аммо жойларда спорт ҳаёти бутунлай «тўхтаб» қолгани йўқ. Бу даврда волейбол ҳарбий қисмларга кириб борди. 1943-йилдаёқ фронт орқасидаги волейбол майдончаларига жон кирди. Шу йили Москва ва бошқа шаҳарларнинг биринчиликлари ўтказилди. 1945-йилда волейбол бўйича мусобақалар Москва, Ленинград, Боку, Тбилиси шаҳарларида бўлиб ўтди. Тўғарақларда ўқув-машғулот ишлари мунтазам равишда ўтказиладиган бўлди. Етакчи мутахассислар урушгача бўлган давр тажрибасини умумлаштирдилар. Жамоанинг хужумчилик ҳаракатларини жадал амалга оширишга катта эътибор берилди.

Техника ва тактикада кескин ўзгаришлар бўлди – биринчи тўп узатиш ёки биринчи узатилган тўпдан хужум қилиш кенг қўллана бошлади. Гуруҳли

тўсиқ қўйиш, кучли тўп киритишларнинг кам ишлатилишини эса асосий камчиликлар қаторига киритиш мумкин.

1947-йили «Иттифоқ» терма жамоаси халқаро доирага чиқиши билан диққатга сазовор бўлди. Прагада бўлган демократик ёшларнинг биринчи Халқаро фестивалида волейбол бўйича мусобақалар ўтказилди ва уларда Чехословакиянинг ёш жамоаси, Югославия ҳамда Ленинград терма жамоалари катнашди. Чехословакия терма жамоаси учрашувда каттик каршиликка дуч келди. «Иттифоқ» волейболчилари шу учрашувда устун чиқдилар ва демократик ёшларнинг Халқаро фестивали ғолиби бўлдилар. Чехлар билан бўлган учрашувда терма «волейболчилари» биринчи бор «шамсимон» тўп киритиш вазиятига тўқнаш келдилар.

Шу йили Парижда халқаро волейбол федератсияси таъсис этилди (ФИВБ). ФИВБнинг биринчи президенти Пол Либо. 1984-йилда унинг ўрнини Робен Акоста эгаллади ва деярли 2008-йилгача шу лавозимда фаолият кўрсатди.

1948-йилда «Иттифоқ» волейбол шўбаси Халқаро волейбол Федератсияси (ФИВБ) аъзолигига қабул қилинди.

Шу йилни сентябр ойида Прагада эркаклар жамоалари орасидаги биринчи жаҳон биринчилиги ва аёллар жамоалари ўртасидаги биринчи Европа биринчилиги бўлиб ўтди. Бундай йирик мусобақалар «Иттифоқ волейболчилари» учун катта тайёргарлик бўлиб, Будапештда ўтган демократик ёшларнинг иккинчи Халқаро фестивалида катнашиш учун хизмат қилди. Эркаклар ўртасида иккинчи жаҳон биринчилигини ва аёллар ўртасидаги биринчи жаҳон биринчилигини 1952-йили Москвада ўтказишга қарор қилинди. Мусобақалар кўп сонли томошабинларни ўзига жалб қилди. Омад яна «Иттифоқ» жамоаларига кулиб боқди.

Кейинги йилларда расмий халқаро мусобақаларда терма жамоалар натижаси кескин пасайиб кетди. 1955-йилда Бухарестда ўтказилган Европа биринчилигида «Иттифоқ» волейболчилари бор-йўғи тўртинчи ўринни эгалладилар, аёллар эса биринчи ўринни чехларга бўшатиб бердилар. 1956-

йилда Парижда ўтказилган жаҳон биринчилигида «Иттифок» аёллар терма жамоаси иккинчи марта ғолиб деган номни олишга муваффақ бўлди, эркеклар жамоаси эса олдинга Чехословакия ва Руминия жамоаларини ўтказиб юборди. 1958-йилда Прагада бўлган Европа биринчилиги халқаро доирадаги кучли муносабатни ўзгартира олмади.

Аёллар ўртасидаги учинчи ва эркеклар ўртасидаги тўртинчи жаҳон биринчилиги Европада эмас, 1960-йилда Бразилияда ўтказилди. «Иттифок» терма жамоаси ўзининг энг кучли эканлигини яна бир бор исботлаб, кетма-кет уч марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Илк марта қатнашаётган Япония аёллар жамоасининг кумуш нишон совриндори бўлиши катта шов-шув кўтарди. «Иттифок»нинг эркеклар терма жамоаси яна жаҳон чемпиони номига эга бўлди.

1962-йилда Москвада иккинчи марта – аёллар ўртасидаги тўртинчи, эркеклар ўртасидаги бешинчи жаҳон биринчилиги ўтказилди. Бу даврда Япония, Полша, ГДР, Хитой каби мамлакатлар жамоаларининг ўйин даражаси ниҳоятда ошганлигини эътироф этиш керак. Жаҳон биринчилиги кўпгина жамоаларнинг техникаси ўсганлигини кўрсатди.

1963-йил Европа биринчилиги Руминияда ўтди. Шу йилнинг кўпгина халқаро мусобақалари Токиода бўладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик сифатида ўтказилди. Айрим жамоалар асосий таркибини 5х1 тартибида шакллантира бошладилар.

Токио олимпиада ўйинларидаги волейболчилар куч синашуви 1962-йилги жаҳон биринчилигида совринли ўринларни эгаллаган жамоалар маҳоратини таъкидлади. Япония аёллар жамоаси ва «Иттифок» эркеклар жамоаси биринчи олимпиада ғолиблари бўлдилар, Токио мусобақалари жамоаларнинг маҳорат даражаси тобора ўсиб бораётганини исботлади. Агар илгари совринли ўйинларга 2–3 жамоа даъвогарлик қилган бўлса, энди уларнинг сони 5–6 тага етди. Ҳатто 3:0 ҳисоби ҳали ғолиб жамоанинг сўзсиз устунлигидан далолат бермай қўйди. Токио мусобақалари давомида ҳакамлар ҳайъатининг йиғилиши бўлиб, унда мусобақа қоидаларига ўзгаришлар

киритилди ва тасдиқланди. Бу ўзгаришлар 1965-йилдан кучга кирди.

Ўзбекистонда Волейбол ўйинининг вужудга келиши ва халқаро волейбол федератсиялари билан алоқаси

Волейбол Ўзбекистонда қачон, қаерда ва қандай вазиятда вужудга келгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин айрим тахминларга қараганда 1921–24-йилларда волейбол ўйини Қўқон, Тошкент ва Фарғонада вужудга кела бошлаган. Ўша даврнинг спорт ветерани К.Лебедевнинг ҳикоясига биноан 1924–25-йилларда кўпгина ёшларни доира шаклида жойлашиб бир-бирларига тўп узатиш ўйинлари тарқала бошлади. Қизиқ, мазкур даврда волейбол бўйича қабул қилинган халқаро мусобақа қоидалари анча такомиллашган бўлиб, майдонча 9х18 м, тўп билан фақат уч марта ўйнаш мумкинлиги, ўйинчилар таркиби бир жамоада 6 кишидан иборат бўлиши, тўрни баландлиги 243 см (еркаклар учун), ҳисоб 15 очкога етганда ўйиннинг бир бўлими якунланиши, тўпни ўйинга киритиш – ҳуллас, барча ўйин қоидалари замонавий волейбол ўйини қоидаларига ўхшаш эди. Шунга қарамай Ўзбекистонда волейбол қоидалари 1924–25-йилларда ҳали анча содда бўлган. Ўша даврнинг В.И.Перевозников деган спорт ихлосмандининг айтишича, 1926-йилда Тошкент шаҳридаги Чернишевский номли мактаб ўқитувчиси Москвадан мусобақа қоидалари, волейбол тўри ва тўпини биринчи бор келтирган. 1927-йилнинг 26-апрелида эса айнан шу мактабнинг волейбол тўгараги жамоаси биринчи расмий мусобақа ташкил этиб, унда у юксак маҳорат кўрсатди ва мусобақа ғолиби бўлди. Мазкур мусобақа волейболни оммавийлашиши ва шаклланишида катта бурилиш кашф этди. 1927-йилнинг ёз ойларидан бирида волейбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги ўтказилиб, унда 9 та волейбол жамоаси иштирок этди. Чернишевский номли мактаб волейбол жамоаси бу мусобақада ҳам ғолибликни қўлдан бермади.

Волейболни кенг оммавийлаша боришига КИМ стадионида ўтказилиб келинган мусобақалар катта таъсир кўрсатди.

1927-йилда Тошкентда 6 та волейбол майдончаси мавжуд бўлиб, улар Чернишевский ва КИМ номли мактабларда, Механика техникумида (2 та), «Металлист» спорт тўғараги қошида ва Профинтерн ёзги спорт клубида жойлашган эди.

1928-йилда Тошкентда кузги волейбол мусобақалари бўлиб ўтди, унда 10 та эркаклар ва 4 та аёллар жамоалари қатнашган эди. 1929-йилдан бошлаб волейбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мунтазам ўтказила бошлади.

1930-йилларда «Динамо» кўнгилли спорт жамиятида волейбол жамоалари тузилди. Илк бор тузилган «Динамо» волейбол жамоасининг биринчи мураббийси Б.А.Воронсов Ўзбекистонда волейболнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Шу билан бир қаторда малакали мутахассисларни етишмаслиги, айниқса маҳаллий миллатга мансуб йўриқчи, мураббий ва ташкилотчиларни сановли бўлганлиги волейболнинг узок вилоят ва қишлоқларда қулоч ёзишига ҳалакит бериб келди.

Меҳнаткашларни, айниқса аёлларни жисмоний тарбия ва спортга, жумладан, волейболга жалб қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Кенгаши Тошкент мавзе қўмитаси билан биргаликда 1929-йил 25-апрелдан 15-майгача Республика миқёсида амалий ҳафталик ташкил қилган эди. Мазкур тадбир сезиларли натижалар берди. Жумладан, жойларда жисмоний тарбия ва спорт, аксарият волейбол билан шуғулланувчилар сони кескин ортиб бориши кўзга ташланди. Кўпгина жойларда волейбол майдончалари ва бошқа спорт иншоотлари барпо этилиши авж олиб борди. Ўқув-тренировка ишларига ва мутахассисларнинг малакасини оширишга, алоҳида аҳамият берилди. 1929-йил 30-сентябрда Самарқандда маҳаллий миллатга мансуб бўлган ёшлардан иборат жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўриқчи-ташкилотчилар тайёрланди.

1933-йилда Ўзбекистон Спартакиадаси ўтказилди. Эркаклар ўртасида «Динамо» ва аёллар баҳсида «Ўзтранс» жамоалари биринчи ўринни эгаллади.

1934-йил ўзбек волейболи учун муҳим бурилиш йили бўлиб қолди.

Жумладан, ўзбек волейболчилари биринчи бор Москвада мамлакат биринчилигида иштирок этди. Шу йили волейбол биринчи бор Ўрта Осиё ва Қозоғистон Спартакиадаси дастуридан ўрин олди.

1936-йилда Тошкентда «Жисмоний тарбия туркуми» ва «Физкултура УЙИ» очилиши волейболнинг янада оммавийлашишида катта аҳамият кашф этди. Бундан ташқари, Тошкент молия-иқтисод институтида волейбол бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган катта спорт зали очилди. Самарқандда шаҳар маъмурияти ва шаҳар физкултура Кенгаши Қарорига биноан 60 кишига мўлжалланган волейбол спорт мактаби очилди.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ўзбек волейболини илк бор раванг топишида А.Сааков, Г.Л.Кешишев, В.Х.Шнуров, В.Ф.Шведукс, А.А.Богаченко, Б.А.Воронсов каби мураббийларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

1938-йилга келиб Ўзбекистонда кучли жамоаларнинг сони 72 тага етди. Булар САГУ «Динамо», ОДО, Қурилиш техникуми, «Локомотив», ЎзТРАНС, СазПИ (Тошкент), Фарғона, Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Қўқон ва бошқа жамоалардир.

1938-йилнинг декабридан бошлаб биринчи бор Конституция кунига бағишланган анъанавий мусобақалар татбиқ этилди.

1939-йилнинг феврал ойида Тошкентга Москва «Локомотив» жамиятининг кучли волейбол жамоалари ташриф буюришди. Ўтказилган мусобақаларда Тошкентнинг аёллар терма жамоаси 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозонишган бўлса, эркеклар жамоаси мағлуб бўлди.

Волейболнинг янада оммавийлашишига ва волейболчилар маҳоратининг ошишига 1939-йилда ўтказилган мамлакат биринчилигининг Тошкентда ташкил қилинган зонал мусобақалари катта асос бўлди. Бу зонал мусобақаларда «Наука» (Тбилиси), «Спартак» (Сталинобод), «Учитель» (Чкалов), «Локомотив» (Баку), «Учитель» (Куйбишев), «Спартак» (Ашхабад) ва «Строител» (Тошкент) жамоалари иштирок этишган эди. Тошкентнинг эркеклар жамоаси учинчи, аёллар жамоаси тўртинчи ўринни эгаллади.

Улуғ Ватан уруши йилларида мусобақалар сони анча камайган бўлса-да, волейбол аҳолини жисмоний-ҳарбий томондан тайёрлашда ўз вазифасини топди. Ўша давр ҳисобларига қараганда 1941-йилнинг 1-январидида эълон қилинган кўрсаткичлар бўйича республикада волейбол билан шуғулланувчиларнинг сони 14429 кишини ташкил этган.

1941-йилнинг октябр ойида Ўзбекистоннинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида ҳарбий ўқув шахобчалари ташкил этилиб, улар фаолиятида жисмоний тайёргарликка алоҳида эътибор берилди. 1943-йил 18-июлда Ўзбекистон спортчилари ва спорт ихлосмандлари «Мамлакат» физкултурачилар кунини нишонлашди. «Пишчевик» стадионида мазкур санага бағишланган волейбол мусобақалари бўлиб ўтди.

Урушнинг оғир йилларига қарамасдан Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаси Спартакиадаси ўтказилиб, ундаги дастур бўйича ташкил этилган волейбол мусобақаларида Ўзбекистоннинг эркаклар жамоаси биринчи ўринни, аёллар жамоалари баҳсида эса Қозоғистон спортчилари юқори натижага эришишди.

1944-йилда ўтказилган навбатдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаси Спартакиадасида ўзбек волейболчилари юқори маҳорат намойиш этиб, эркаклар ва аёллар жамоалари биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлишди.

1945-йилдан бошлаб жисмоний тарбия ва спорт ҳамда жамоаларни қайта тиклаш даври кучга қира бошлади.

1946-йили Тошкент, Андижон, Самарқандда шаҳар биринчиликлари, шу йил июн ойида республика биринчилиги ўтказилган бўлса, октябрда Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Одесса шаҳрига «мамлакат» биринчилигида иштирок этиш учун жўнади. Мазкур мусобақада эркаклар ва аёллар жамоалари ўз гуруҳларида тўртинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

1947-йил 1-январда берилган ҳисоботларга кўра, волейбол билан мунтазам шуғулланувчиларнинг сони 9278 кишини ташкил этган. Республика бўйича 1 разрядли волейболчилар – 6 киши, 2 разряд-лилар 344

кишини ўз ичига олган. Бундан кўриниб турибдики, волейболнинг оммавийлик даражаси ҳам, волейболчиларнинг маҳорат савияси ҳам кўнгилдагидек бўлмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг 1947-йилги ҳисоботида бу ахвол ҳақида Сурхондарё, Хоразм, Бухоро вилоятларидаги санокли спорт иншоотларининг, жумладан, волейбол майдончаларининг ҳеч қандай талабларга жавоб бермаслиги қаттиқ танқид остига олинган эди.

Ўзбекистонда волейболнинг оммавийлик доираси кенгайишига республикамизнинг 1948-йил 27-декабрда қабул қилган «Жисмоний тарбия ва спортни аҳоли орасида ривожлантириш ҳамда спортнинг оммавийлигини ошириш» ҳақидаги Қарори алоҳида куч бағишлади.

1949-йилдан қишлоқ спортчиларига, жумладан, колхозчи-волейболчилар спорт ҳаракатини жадаллаштиришга катта эътибор берилди. Шу йили ўтказилган қишлоқ спортчиларининг ВИИ Спартакиадасида иштирок этган волейбол жамоаларининг умумий сони 29887 кишига етган эди.

1947-йилда мусобақа қондасига ўйин 5 партия давом этиши ҳақидаги янгилик киритилгандан сўнг, шуғулланувчилардан катта жисмоний тайёргарлик, чидамкорлик ва матонат талаб қилина бошлади. Ўйинлар мазмуни ва моҳияти янада қизиқарли томонга ўзгара борди. Лекин шундай бўлса-да, ўзбек волейболчиларининг маҳорати ҳали иттифокдаги кучли жамоаларникидан анча паст эди.

Булардан 1326 киши институт талабалари бўлса, қолганлари ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва болаларни ташкил этган эди.

1950-йиллардан бошлаб Ўзбекистон волейболида узлуксиз хужум тактикаси устунлиги кўзга ташлана борди. Ўйинларда турли тактик комбинатсиялар қўллана бошлади.

1950-йилнинг июлида Тошкент Темирйўлчилар боғининг спорт майдончаларида эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида «Иттифок» Кубоги ўйинлари ўтказилди. Ўзбек волейболчилари бу мусобақада мағлубиятга

учрадилар. Бу мағлубият асосли эди, чунки рақиб Москванинг «Динамо» жамоаси эди. Ҳисоб 0:3.

1951-йилдан ўсмирлар ўртасида «Иттифок» биринчилиги ўтказила бошланди. Ўзбек ўсмирлари 14-ўрин билан кифояландилар.

1953-йилда мусобақа жадвалида қишки мусобақалар пайдо бўлди. 1954-йилдан бошлаб волейбол бўйича Иттифок биринчилиги «А» ва «Б» гуруҳларига бўлинган ҳолда ташкил этила бошлади. Ўзбек волейболчилари «Б» гуруҳига киритилди. Шу йили «Иттифок» мусобақалари ёпиқ спорт майдончаларида ўтказила бошлади.

1954-йил 1-январга келиб, волейбол билан шуғулланувчилар сони 64942 кишига кўпайди. Лекин республикада, вилоят, туман ва қишлоқларда волейболнинг маҳорат даражаси жуда паст бўлиб, юқори малакали волейболчилар санокли эди.

1955-йилнинг сентябр ойида Тошкентда илк бор Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ташкил қилиниб, унинг таркибида спорт ўйинлари кафедраси фаолият кўрсата бошлади. 1955-йилдан бошлаб республикамиз волейболчилари «Иттифок» ҳалқлари Спартакиадасига тайёргарлик машғулотлари ва мусобақаларни режалаштирдилар.

Чунончи, 1955-йил якунида Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси таклифига биноан Тошкентга Олма-Отанинг эркаклар ва аёллар жамоалари ташриф буюришди. Биринчи ўйинда ўзбек аёллар жамоаси 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, эркаклар жамоаси 2:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Иккинчи ўйинда ҳам аёллар (3:0), ҳам эркаклар (3:2) жамоалари ғалаба нашидасини суришди.

1956-йили (июл–август) Москванинг Лужники спорт мажмуасида «Иттифок» ҳалқлари Спартакиадаси очилди. Спартакиаданинг волейбол мусобақаларида республикамиз эркаклар жамоаси 14 ва аёллар жамоаси 13-ўринлар билан кифояландилар.

Ўзбек волейболчилари мазкур Спартакиадада яхши натижаларга эриша олмаганларидан сўнг, 1957-йилдан бошлаб «Иттифокдош»

республикалар волейбол жамоалари билан қатор ўртоқлик учрашувлари уюштирилди. Жумладан, ўзбек волейболчилари Боку, Тбилиси ва Ереван жамоалари билан куч синашиб, барча ўйинларда мағлубиятга учрашди.

1958-йилда республикамизда мактаблараро мусобақалар авж олди. Айниқса, бу даврда Олий ўқув юртлари жамоалари ўртасидаги мусобақалар қизгин тус ола бошлади. САГУ ва «Буревестник» талабалари кўнгилли спорт жамияти жамоалари энг кучлилар қаторидан жой олишди. Мактаб ўқувчилари орасида Тошкентнинг 64-мактаб ўсмирлар жамоаси ва 104-мактабнинг қизлар жамоаси мазмунли волейбол намоёиш қилдилар.

1959-йилда ўзбек волейболчилари «Иттифок» халқлари Спартакиадасида иштирок этиб, эркеклар 14-ўрин, аёллар жамоаси эса 11-ўринни эгаллади.

Шу йили, яъни 1959-йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ўзининг биринчи битирувчиларини қутлади. Улар орасида волейбол ихтисослиги бўйича 11 киши олий маълумотга сазовор бўлди (1 та ўзбек аёли ва 2 та ўзбек йигити волейбол бўйича институтни тугатишган эди).

1960-йилда «СКИФ» волейболчилари (еркеклар ва аёллар жамоаси) ёзги республика талабалар ўйинларида энг юқори натижаларга эришишди. Шу йили «СКИФ» жамоалари Харков шаҳрида ўтказилган «Иттифок» ёзги талабалар ўйинларида қатнашиб, эркеклар жамоаси 13-ўринни, аёллар охириги 18-ўринни олишди.

1961-йил октябр ойида Тошкентда Ўзбекистон аёллар Спартакиадаси очилди. Бу тадбир аёллар волейболининг оммавийла-шишида катта туртки бўлди.

1962-йилда Тошкентда Москванинг «Буревестник» аёллар жамоаси, «СКИФ» ва Ўзбекистон терма жамоалари учрашув ўтказди. Бунда вакилларимиз ғалабани бой беришди.

1963-йили «Иттифок» халқлари ИИИ Спартакиадасида республикамиз эркеклар жамоаси 9, аёллар эса 15-ўринни эгаллади.

Ўзбек волейболи тарихида республикаимиз терма жамоаларининг халқаро мусобақаларда иштирок этиб келиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг таъкидлаш ўринлики, ўзбек волейболчилари ўзининг илк бор халқаро учрашувини 1935-йил октябр ойида Тошкентда Афғонистон терма жамоаси билан ўтказган. Мазкур учрашув «Иттифок» миқёсида биринчи халқаро мусобақа бўлиб ўрин олган. Бу даврда халқаро мусобақа қоидалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилган. Шунинг учун Афғонистон волейболчилари билан бўлган учрашув шу давлат қоидаларига биноан ўтди. Чунончи, майдончада 9 киши ўз жойларини алмаштирмасдан ҳаракат қилишди. Ҳисоб 22 гача давом этди. 3 партиядан иборат бўлган ўйин 2:0 ҳисобида бизнинг волейболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

1961-йили афғон волейболчилари Тошкентга иккинчи бор ташриф буюришди. Биринчи куни меҳмонлар 0:3 ҳисобида «Меҳнат резервлари», иккинчи куни эса 2:3 ҳисобида «ОДО» жамоаларига учрашувни бой беришди.

Шу йили Ўзбекистонга Монголиянинг эркаклар ва аёллар жамоалари келишди. Меҳмонлар республикаимизнинг «ОДО», «СКИФ» ва «Буревестник» жамоалари билан куч синашди ва барча учрашувларда мағлуб бўлишди.

1961-йилнинг декабрида Ўзбекистон волейболчилари Индонезияга ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун жўнашди. Улар Суратайя шаҳрида қатор учрашувларда иштирок этиб битта ўйинда мағлуб бўлишган бўлса, қолганларида мезбонлар жамоасидан устун келишди. 1962-йил июн ойида Ўзбекистоннинг эркаклар ва аёллар жамоалари Монголияга жўнашди ва барча учрашувларда ғолибликни қўлга киритишди.

1964-йил август ойида Ўзбекистонга жавоб сафари билан Индонезиянинг эркаклар ва аёллар жамоалари ташриф буюришди. Меҳмонларнинг эркаклар жамоаси Ўзбекистоннинг «Динамо» (Тошкент) жамоаси билан ўйнаб, учрашувни 0:3 ҳисобида бой беришган бўлса, Индонезиянинг аёллар жамоаси Тошкентнинг «Спартак» жамоаси қизларига

2:3 ҳисобида ютқазилди.

Мазкур халқаро ўйинларда эркеклар волейбол жамоасидан Г.Худяков, Г.Багиров, Р.Хусаинов, Ю.Симонов, В.Кучеров, В.Ананич, аёллар жамоасидан эса М.Катасонова, Т.Склярова, Л.Рахманкулова, Ю.Холиқназарова ва Л.Корчагиналарнинг алоҳида маҳорат намоиш этганликларини таъкидлаш лозим.

1974-йилларга келиб ўзбек волейболчилари Бангладеш, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатларда халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказиб юксак маҳорат кўрсатилди. Жумладан, 1976-йили улар Афғонистонда қатор халқаро учрашувларда иштирок этиб, ўзларининг юксак маҳоратини яна бир бор намоиш этилди.

1970-йилдан то 1991-йилларгача ўзбек волейболчилари талайгина халқаро расмий ва ўртоқлик мусобақаларида иштирок этиб келишган. Ўтган давр ичида юқори малакали волейболчилар доираси кенгая борди. Булар қаторига Олимпиада чемпионлари В.Дуюнова, Л.Павлова, ёшлар ўртасида Оврупа чемпионлари Л.Ишмаева, Л.Сулейкина, О.Белова, Л.Лепилина, О.Дубяга, С.Мячин қабилар қиради. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Республикамизнинг эркеклар ва аёллар жамоалари қатор нуфузли мусобақаларда – чемпионатлар, халқлар спартакиадаси, мактаблараро спартакиада ва ёшлар спорт ўйинларида иштирок этиб, шарафли ўринларни олишга сазовор бўлишган. Жумладан, 1967-йил – халқлар спартакиадаси – эркеклар 6-ўрин; 1971-йил – аёллар 5-ўрин; 1972-йил – мактаблараро спартакиада – қизлар жамоаси чемпионлик унвонига сазовор бўлилди, ўғил болалар – 8-ўрин; 1973-йил – ёшлар спорт ўйинлари – қизлар 4-ўрин, ўғил болалар 6-ўрин; 1975-йил – халқлар спартакиадаси – эркеклар 8-ўрин, аёллар – 5 ўрин; 1978-йил – Кубок мусобақаларида Тошкентнинг «Динамо» жамоаси 3-фахрли ўринни эгаллашга сазовор бўлган; 1979-йил – халқлар спартакиадаси – аёллар 6-ўрин; 1983-йил – эркеклар 8-ўрин, аёллар 7-ўринни эгаллашган. Ушбу давр ичида эркеклар, аёллар ва ўсмирлар жамоалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз-мураббийлар В.Шнуров, Г.Кешишев,

А.Израилов, В.Шведукс, Л.Гурфинкел, М.Гальперин, А.Лопатин, А.Мансуров, Г.Багиров, В.Киншаков ва А.Конеевлар раҳбарлигида маҳаллий ва хорижий мусобақаларда иштирок этишган.

Мувофиқ йилларда ушбу натижаларга биноан ўзбек волейболчилари мамлакатимиз тарихида илк бор спорт усталари унвониغا сазовор бўлишди: булар – Г.Худяков, Г.Багиров, Ю.Симонов, В.Кучеров, В.Ананич ва Р.Хусаиновлардир.

Аёллар ўртасида эса Л.Величко, Т.Склярова, М.Катасонова, Л.Ишмаева, Л.Раҳманқулова, С.Гапирджанова ва бошқалар биринчи бор спорт устаси деган номга сазовор бўлдилар.

Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ўзбек волейболининг халқаро микёсдаги ўрнига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Чунончи, 1993-йил 24–31-июлида Шанхай (ХХР) шаҳрида ўтказилган Осиё Чемпионатида мустақил Ўзбекистоннинг аёллар миллий терма жамоаси волейбол тарихида биринчи бор иштирок этиб, фахрли 6-ўринни қўлга киритди. Мазкур чемпионатга қадар ушбу мусобақаларга тайёргарлик мақсадида Америка Қўшма Штатларининг бир неча шаҳарларида бўлиб, турли университетлар волейбол жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказишди ва ўйинларда муваффақият қозонишган эди.

1994-йилда Тайландда ўтказилган «Принсесса Кубоги» мусобақаларида Л.Айрапетянцс раҳбарлигида ташкил этилган «СКИФ-Интеркросс» клуби қошида таркиб топган аёллар волейбол жамоаси иштирок этиб, мақтовга лойиқ ўйин намойиш этишди.

1997-йил 21–28-сентябрда Манила шаҳрида ўтказилган Осиё Чемпионатида аёллар терма жамоаси 6-ўрин, 1998-йилда ўтказилган Қозоғистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро турнирида 3-ўрин, шу йили Тайландда ўтказилган ИХ «Принсесса Кубоги»да 6-ўрин, 1998-йил 24–28-майда Ветнамда ўтказилган X Осиё Клублараро Чемпионатида 3-ўрин, 1999-йил Ветнамда Жануби-Шарқий Осиё Чемпионатида 2-ўрин ва шу йили Тошкентда ўтказилган «Кубок Микаса» халқаро турнирида 1-ўринларни

олишга сазовор бўлган.

Еътиборга лойиқ жойи шундаки, истиқлолдан сўнг ўзбек волейболининг тараққиёти республикамизда янгича йўналишда давом этиши кўзга ташланаётир. Жумладан, 1992-йилдан бошлаб мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон Чемпионати волейболнинг янада ривожланишига ва раванг топишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда тадбиқ этилган ўқув муассасалари ўртасида ўтказилаётган 3 босқичли мусобақалар: «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» волейболни ўқувчи-талаба ёшлар ўртасида кенг ривож топишига муҳим туртки бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда профессионал жамоалар доираси кенгайиб бормоқда. Булар қаторига «Кинап» (Самарқанд ш.), «Виктория» (Навоий ш.), МҲСК (Чирчиқ ш.), «СКИФ» (Тошкент ш., ЎзДЖТИ) ва ҳоказо жамоалар киради. Мазкур волейбол жамоаларининг аъзолари бўлмиш ўйинчилар, спорт усталари А.Сович, Ш.Муслимов, И.Власов, А.Поповкин, С.Журавлев, И.Тамбиев (ҳаммаси «Виктория» жамоасидан), С.Банов, А.Рибалкин, А.Серебрянников, С.Мячин (Тошкент-Самарқанд жамоасидан), А.Колесников, К.Пак, А.Жирнов, В.Петров, М.Маматюк, Ф.Баватов, Д.Султанов, С.Сиддиқов, («СКИФ»), А.Қосимов, Р.Князев, И.Ермиш («МҲСК»), В.Домниди (Қўқон) барча мусобақаларда ўзларининг юқори савиядаги маҳоратларини намоиш этганлар. Аёллар жамоаларидан «СКИФ» (Тошкент) ўйинчилари э.Шмитова, П.Кибардина, С.Ашуркова, О.Хужаева, М.Мартиненко (халқаро тоифадаги спорт усталари), э.Шпачук, Е.Корчагина, С.Григорева ва бошқалар «Ўзбекистон спорт устаси» деган номга сазовор бўлишди.

Бу борада мураббий-мутахассис ва ташкилотчиларни ҳам хизмати ҳурматга сазовордир. Жумладан, А.Ким (Самарқанд), Т.Абрамова (Тошкент), Г.Пономарев (Тошкент), А.Асқаров (Қўқон), М.Домниди (Фарғона), Ю.Кулаков (Қорақалпоғистон Республикаси), А.Казаков (Қорақалпоғистон

Республикаси), Л.Айрапетянцс (Тошкент) ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Мусобақа ўйинларининг мазмунли, қизиқарли ва шу билан бир каторда талаб доирасида ўтказишда Ўзбекистон волейбол Федератсиясининг бош қотиби, халқаро тоифадаги ҳакам Л.Айрапетянцс, миллий ва республика тоифасидаги ҳакамлар В.Шнуров, В.Бардин, Н.Япаров, А.Пулатов, И.Зохидов, Н.Мамажонов, Ш.Исроилов ва шу каби кўпгина мутахассисларнинг хизмати катта.

Ўзбекистон волейболини янгича йўналишда тараққий эттиришда уни вилоятларда «ҳаракатга» келтириш, хорижий давлатларни волейбол жамоалари билан алоқа боғлашда, улар билан расмий мусобақаларни ташкил қилишда Ўзбекистон волейбол Федератсиясининг Президенти э.М.Ғаниев ҳамда Федератсиянинг барча аъзолари ибратли фаолият кўрсатиб келмоқдалар.